



Postga

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ

12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН

• Ўзбекистон Республикаси ИИБ нашри • 2003 йил 23 октябрь, пайшанба • 43 (3519)-сон

Хозирда ички ишлар идоралари фаолиятини ахборот марказисиз тасвур этиши қийин. Керакли маълумотларни олиш, содир этилган жиноятларни иссигида фош этишда ушбу хизматнинг тутган ўрни бекиёсdir. Жўнгина кўринган таҳлил ва ҳисоб-китоб ишларини юритиш осон ши эмас. Айниқса, замонавий компютерлар билан тиллашишининг ўзи бўлмайди.



ТАКОМИЛЛАШАЁТГАН СОҲА

Кейинги йилларда Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси ахборот маркази фаолиятини такомиллаштириш, техник таъминотини яхшилаш борасида қатор ижобий ютуқларга эришилди. Бу хизмат чуқур билимли, малакали, изланувчан, кенг фикрли ёш ходимлар билан жамланиб бораяпти.

Суратларда: вилоят ИИБ ахборот маркази бошлигининг ўринbosари, милиция лейтенанти Даврон Жалолов (юқоридаги сурат, чапдан) катта инспектор, милиция майори Мая Матёкубова ҳамда муҳандис-дастурчи, милиция катта лейтенанти Ўқтам Собировлар билан иш натижаларини таҳлил қилимада; ахборот маркази ходимлари, компьютерларга техник ёрдам кўрсатиш маркази бошлиғи, милиция лейтенанти Дилюз Матризаев ва марказ катта инспектори, милиция майори Оллоберган Нурилаевлар иш устиди.

Жумабой ҚОЗОҚ олган суратлар.



ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



ҳақиқийдир. Мутахассислар ёзув кейинги ярим йил ичидага амалга оширилганини таъкидлашмоқда.

● Филиппинда "Жемаа Исломия" террорчиллик гурӯҳи аъзолари яширган жойдан "биологик қуролизлари" ва уни ишлаб чиқаришда қўлланилодиган восита топилди.

● АҚШ Марказий разведка бошқармаси экспертиларининг фикрича, Катарнинг "Ал-Жазира" телеканали орқали намойиш этилган "Ал-Қоида" террорчиллик ташкилоти раҳбари Усама бин Лодин мурожаати ёзилган аудиотасма

● Саудия Арабистони ҳукумати Ар-Риёд ва Жидда шаҳарларida ислом террорчиллик ташкилотида иштирок этганиликка гумон килинган шахслар ушлангани ва улардан 180 та Калашников автомати ҳамда бир неча килограмм портловчи модда, шунингдек "шахидлар белбоги" олинганини маълум қилди.

● Жанубий Кореядаги АҚШнинг учувчисиз бошқариладиган "Shadow 200" разведкачи самолёти ҳалоатга учради. У Шимолий

Корея чегараси яқинидаги Дондучон дарёси қирғонига қулади. Фалокат сабаблари ўрганилмоқда.

● Курасао оролида полициячилар икки тонна гиёҳвандлик мoddасини мусодара қилишиб. Агар унинг ҳаммаси кокайн эканлиги инобатта олинса, малакат ва бошқа Европа давлатларидаги нархи 100 млн. еврога тенгдир. Кокайнини балиқчилар қайғига ортиб жўнатган йигирма нафар киши ушланди.

● Роттердам божхонаси ходимлари томонидан Хитой кемаси бортида маҳсус темир қути олиб кетилабтагни аниқлангач, Амстердамда уч эркак ва икки аёл киши ушланди. Уларда жазавага тушганда ишлатилидиган 283 мингтаги хандори, 3,5 кило кокайн ва қуроляроғлар, шу жумладан учто жанговар граната борлиги маълум бўлди.

лар поездидаги кетаётган Россия фуқаросидан 2,5 кило тротил мoddаси, иккита детонатор ва 10 метрга яқин шнур олинди. Воеев жойига зудлик билан "Олмос" маҳсус бўлинмаси ўқчилари етиб келишиб.

● Роттердам божхонаси ходимлари томонидан Хитой кемаси бортида маҳсус темир қути олиб кетилабтагни аниқлангач, Амстердамда уч эркак ва икки аёл киши ушланди. Уларда жазавага тушганда ишлатилидиган 283 мингтаги хандори, 3,5 кило кокайн ва қуроляроғлар, шу жумладан учто жанговар граната борлиги маълум бўлди.

МАВСУМ ТАЙЁРГАРЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажмасининг "Республика иқтисодиёти тармоқларини 2003-2004 йил куз-қиши даврида ишлашга тайёрлаш тұғрисида" ги Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан маҳсус Дастур тайёрланыб, жойларга юборилган эди.

Шу йилнинг 22 октябрь куни ушбу Дастур ижроси муҳокамасига бағишланган селектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ИИБ Ички ва Коровул қўшинлари ҳарбий қисмлари кўмандонлари, уларнинг ўринбосарлари, "Кўриқлаш" республика бирлашмаси ва унинг жойлардаги бошқарма, бўлимлари бошликлари ҳамда таълим муассасаларининг бошлиқ ўринбосарлари иштирок этдилар.

Йиғилиши ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник X. С. Ибрагимов олиб борди ва маъруза қилди. ИИБ Ички қўшинлар кўмандони, генерал-майор Ж. Х. Фозилов, Молия иқтисод бошқармаси бошлиғи, ички хизмат полковники Ў. А. Аҳмедов, Коровул қўшинлари кўмандони, полковник Н. В. Сулейманов, Моддий-техника ва ҳарбий таъминот бошқармаси бошлиғи, ички хизмат полковники X. М. Акбаровларнинг хисоботлари тингланди.

Селектор йиғилиши давомида кўтарилиган таклиф, мулоҳаза, муаммолар ўзаро муҳокама қилинди ва зарур чора-тадбирлар белгиланди. Мавсумга Дастур талабларига мувоғик тайёргарлик ишлари жорий йилнинг 15 ноябряга қадар тўлиқ яқунланиши ва ахборот берилиши алоҳида таъкидлаб ўтиди.

Ўз мухбириимиз.



АЗИЗ! МУШТАРИЙЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидаги Бирлашган таҳририятининг «Постда» ва «На посту» газеталари ҳамда «Qalqon» ва «Щит» журнallарига 2004 йилнинг биринчи ярми учун обуна бошланди.

Жиноят қидирив хизмати воқеалари, терговчи хотирлари, суд очерклари қизиқсангиз, нашрларимизга обуна бўлинг. Газета ва журнallарда мамлакатимиз ва дунё спорт янгиликлари, теледастурлар, мунахжимлар башорати ва бошқа хабарлар муентазам бериб борилади. Кроссворд, сканвордлар, "Саломатлик", "Ниҳол", "Сулола", "Ибрат" каби саҳифалар сизни бефарқ колдирмайди, деб ўйлаймиз.

Ички ишлар тизимида амалга оширилётган янгиликлар, дунёда содир бўлаётган оламшумул воқеалардан вақтида боҳабар бўлишни истасангиз, газета ва журнallаримизга обуна бўлишга шошилинг.

ИНДЕКСЛАРИМИЗ:

«Постда» - 180 (366) «На посту» - 169 (367)
«Qalqon» - 970 - (1083) «Щит» - 971 - (1084)

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

САРҲИСОБ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жазони ижро этиш бош бошқармасида пенитенциар тизим фаолиятининг жорий йил тўқиз ойи якунларига багишинган йигилиши бўлиб ўтди.

Унда ИИВ ЖИЭББ барча хизматларига, жазони ижро этиш муассасаларига тааллукли кўплаб масалалар кўриб чиқилди. Жумладан, маҳкумларни иш билан таъминлаш, уларга тиббий хизмат кўрсатиш, тарбиявий ишлар муҳокама қилинди. Йигилганларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 сентябрдаги "Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазо ўташ шароитларини либералластириш тўғрисида" ги Фармонини бажариш юзасидан Ички ишлар вазирлигининг тавсиялари етказилди. Шунингдек, ЖИЭББ соҳавий хизматлари раҳбарлари ва жазони ижро этиш муассасалари бошликларининг амалга оширилган ишлар бўйича хисботлари тингланди. Тўртинчи чоракда пенитенциар тизим олдидаги турган вазифалар белгилаб олинди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, ички хизмат генерал-майори Р. Қодиров, ИИВ Қорову қўшинлари кўмандони, полковник Н. Сулейманов, вилоятлар ИИВ ЖИЭБ бошликлари қатнашиди.

О. БУРЕНОВ.

Сурхондарё вилояти ички ишлар идоралари ходимлари ўтасида интизом ва қонунчиликни мустаҳкамлаш, уларнинг хизмат вазифалига бўлган садоқати, Ватанга муҳаббатини ошириш мақсадида милиция сафида хизмат қилиб, айни чоғда қарилек гаштини суроётган фахрийлар билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

ФАХРИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Фахрийлар Узун, Сариосиё, Денов, Шўрчи, Олтинсой, Кумкўргон, Бойсун, Шеробод, Музработ туманлари ИИБлари шахсий таркиби билан мулоқот ўштириши. Учрашувларда М. Бобоев, Ж. Холлиев, Х. Тоғалиев, К. Бўриев, П. Омонтурдиеv, Ж. Бекбоев, О. Соатовлар тўпланганиларга ўз ҳаёт йўллари ва жиноятиликнинг олдини олиш борасидаги бой таҳрибалари ҳақида сўзлаб бердилар.

С. НОРМУРОДОВ,
милиция майори.

ЁШЛАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

Яқинда Қарши тиббиёт коллежида республика ИИВ Ҳукуқбузарликнинг олдини олиш бош бошқармаси ҳамда БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ҳамкорлигига "Вояга етмаганларга нисбатан одил судлов" мавзууда семинар-тренинг ўтказилди. Унда иштирок этган вояга етмаганларга ижтимоий-ҳукуқий ёрдам кўрсатиш маркази ходимлари ва вояга етмаганлар орасида ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш гурухлари инспекторлари турли саволлар асосида тузилган сўровномаларга жавоб бериси билан бирга болалар ҳукуқлари декларациясининг мазмун-моҳияти билан яқиндан таниш-

дилар. Бундан ташқари ўсмирларнинг ҳақ-ҳукуқлари, улар билан боғлиқ муаммолар ҳақида етакчи мутахассислар томонидан тушунчалар берилди.

Семинар-тренингда иштирок этган республика ИИВ ҲООББ бўлим бошлиги, милиция подполковниги Р. Ҳан ўз маърузида ёш инспекторлар фаолиятини такомилластириб бориш, халқаро ҳукуқлар доирасида ўшлар ҳукуқий маданиятини ошириш, бу борада ота-оналар, маҳалла, мактаб ҳамкорлигига таяниш зарурлигини уқтириди.

Б. ЭРГАШЕВ,
журналист.


ИНСПЕКТОРЛАРГА РАҲМАТ!

Биз кўп йиллардан бўён Тўрткўл шаҳридаги Иби Сино номли маҳаллада яшаймиз. Масакнимизга милиция катта лейтенанти Сапарбой Жумамуратов ҳамда милиция лейтенанти Шамиштдин Кутлимуратовлар профилактика инспектори бўлиб келга ишни фуқаролар билан яқиндан танишиши, уларнинг яшаш шароитини ўрганиши, бекорчиларни шига жойлаштириши, ичкиликка ружу кўйганларга чора кўришдан бошлади. Натижада ҳудудда ярим тунгача маҳалластар юрувчи, танбурушилик билан шуғулланувчи, жсанжални "пулга сотиб оладиган" шахслар, шунингдек, нотинч оиласалар камайиб борди. Аҳоли кечалари тинч ухлайдиган бўлди. Агар барча ички ишлар ходимлари посbonларимиз каби фидоийлик кўрсатишгандага ҳудуд биздагидек жисоятларнинг олиниарди.

Маҳалла осоишшатлигини таъминлаб,
ўз касбни сидқидилдан ардоқлаб келаётган С. Жумамуратов ва Ш. Кутлимуратовларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Маҳалла аҳли номидан:

Светлана ЕГАМБЕРДИЕВА,
Зумрад МУРАДОВА.

«Пахта – 2003»**ҲАР МИСҶОЛИ ОЛТИНГА ТЕНГ**

Далаларда етиштирилган пахта ҳосилини йигиб-териб олиш айни қизғин паллага кирди. Ички ишлар ходимлари бошқа ҳукукни муҳофаза килиш ва давлат назорат идоралари, маҳаллий ҳокимликлар, маҳалла фаоллари, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда ҳосилининг республика ҳудудидан ташқарига олиб чиқиб кетилишига йўл қўймаслик борасида кенг қарорлари профилактик тадбирларни амалга оширишмокда. Лекин шунга қарамай айрим ширкат ҳўжаликлари аъзолари, тадбиркорлар ва фермерлар терилган пахта ҳосилини турли баҳоналарни рўйа қилиб қабул пункtlарига топширмаслик, ўғирлаш ва қўшини давлатларнинг фуқароларига сотиш мақсадида ўз хонадонларида сақлаш ҳолатлари кўплаб учрамоқда. Шу билан бирга пахтазорлар-

нинг пайхон қилинишига барҳам берилмаяпти. Бу эса ўз навбатида республика иқтисолидига жиддий зарар етказмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2003 йил ҳосилини пахта хом ашёсимини саклашни таъминлашга доир қўшимча" чора-тадбирлар тўғрисида" ги Қарори қабул қилингани пахта хом ашёсингин ўғирланиши, талон-торож қилиниши ҳамда республика ташқарисига ноконуний олиб чиқиб кетилишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу Қарор ижросини таъминлаш бўйича ички ишлар идоралари ҲЧК ва ФБ, ёнғин, профилактика, тезкор хизматлари ходимларидан иборат маҳсус гурухлар тузилиб, паспорт тартиботи ўтказиш йўли билан пахта майдонлари атрофида, айниқса чегара ҳудудларда жойлашган уйлар, дала ҳовлилари, ташкилот, корхоналар ҳудудлари кўздан кечирилмоқда.

Режага кўра тегишли ҳокимликлар, пахта етиштирувчи ҳўжаликлар билан ҳамкорлиқда жойларда ҳар кунги терилган пахта ҳоси-

лини ўз вақтида қабул пунктларига топширилиши юзасидан маълум тартиб жорий этилди. Фуқаролар томонидан терилган пахта ҳосилини республика ҳудудидан четга олиб чиқиш ҳамда сотиш ҳолатларини аниқлаш учун ички ишлар идоралари ҲЧК ва ФБ, ёнғин, профилактика, тезкор хизматлари ходимларидан иборат маҳсус гурухлар тузилиб, паспорт тартиботи ўтказиш йўли билан пахта майдонлари атрофида, айниқса чегара ҳудудларда жойлашган уйлар, дала ҳовлилари, ташкилот, корхоналар ҳудудлари кўздан кечирилмоқда.

Республика ИИВ "Пахта-2003" тезкор штабига жойларда олиб борилаётган ишлар, қонунбузарларга нисбатан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида тезкор маълумотлар келиб турибди. Бунгунки кунга қадар пахтани ўғирлаш, яшириш, ўзлашти-

риш ва пахта хом ашёсимини республика ҳудудидан ташқарига олиб чиқиша уриниш бўйича 174 та ҳолат аниқланди. Ушбу ҳолатлар юзасидан 127 нафар айбдор шахслар маъмурӣ жавобгарликни тортлиб, уларга жами 2 млн. 30 минг сўмдан ортиқ миқдорда жарима солинди. 29 та ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб. Ўтказилган тадбирлар жараёнида қонунбузарлар-

дан 82775,5 кг. пахта олиниб, давлат хирмонларига топширилди.

Фарғона вилояти Риштон туманидаги "Маҳмуд Бадал" фермер ҳўжалиги бошлиги М. Омонжон ҳўжалик дала шийпонидан 1,5 тонна пахтани 17 октябрдан бери ёнғин хавфсизлиги қоидалари амал қилмаган ҳолда, тайёрлов пунктига топширмасдан саклаб келгани аниқланди. Унга нисбатан

**БОЙЛИГИМИЗ КУШАНДАЛАРИ**

қарорига кўра сўйилиб, гўшти кам таъминланган оиласалар, мактаб-интернатларга тарқатилган.

И. ҚАЛҚОНОВ,
милиция полковниги.

САМАРҚАНД. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида милиция ходимлари пахтазорларни пайхон қилиш билан боғлиқ 39 та ҳолат аниқлашди. Масалан, Пайариқ тумани "Пахтакор" ширкат ҳўжалигига яшовчи фуқаро молларини пахта майдонида бокиб, ҳўжаликка 61 минг сўмлик зарар етказди. Айбдорларга нисбатан тегишли жазо чоралари кўриляпти.

Д. САЛОҲИДИНОВА.

ХОРАЗМ. Вилоят ҳокимлигига бўлиб ўтган йигилишида пахтазорларнинг пайхон қилинаётгани, айрим кишиларнинг ножӯя ҳатти-ҳаракатлари қишлоқ ҳўжалиги фаоллари иштирокида кенг муҳокама қилиниб, баъзи бир ширкат ҳўжаликлидаги салбий ҳолатлар қаттиқ тандид қилинганди. Афсуски, бундан айрим кимсалар хуласа қўлинига ўхшайди.

Ж. Мухтор Ҳонқа шаҳарчасида истиқомат қилади. У 40 килограмм кўсакни пахтазордан юлиб, уйига олиб кетаётганда Ҳонқа тумани ИИБ хузуридаги қўриқлаш бўлими ходимлари, милиция катта лейтенанти Мақсуд Каримов

ҳамда милиция катта сержанти Мирза Ибрагимовлар томонидан ушланди. Шунингдек, шу куни "Ҳонқаобод" ширкат ҳўжалигига яшовчи П. Жавлон, Э. Муродлар пахта олиб кетаётганларида кўлга олинди.

Текширишлар давомида шу нарса аён бўлди, баъзи ширкат ҳўжаликлидаги пахтазорлар дала қоровуллари томонидан етарли даражада назорат қилинмаяпти.

М. АБДУЛЛАЕВ.

НАМАНГАН. Пахта етиштириш учун катта меҳнат сарфланиши ҳеч кимга сир эмас. Ўзгалар меҳнатининг қадрига етмайдиган айрим фуқаролар минг бир машақат билан

етиширилган ҳосилни пайхон қилиб, пахта пайкалларида чорва молларини бўкаётганларни ҳеч бир муболафасиз нонкўрликлариди.

Наманган тумани Ҳонобод қишлоғига яшовчи Э. Абдусами "бели оғримаганнинг нонеийшини кўр", қабилида иш кўрадиганлардан чиқиб қолди. У бир туп гўза атрофида минг парвона бўладиган дехқоннинг меҳнатини ўйлаганда молқўйларини кўсак билан бокишини дилига тугмаган бўларди. Э. Абдусами "Ҳонобод" ширкат ҳўжалиги 1-бригадасига қарашли пахта майдонидан кўсак узаётганида ички ишлар ходимлари томонидан ушланди. Ҳўжаликка моддий зарар етказгани учун унга нисбатан ҳужжатлар расмийлаштирилиб, туман судига юборилди.

Д. ТУРҒУНОВА,
милиция лейтенанти.

Хатлар таҳлили

ЛОҚАЙДЛИКНИНГ ХУНУК ӨҚИБАТЛАРИ

Мамлакатимизда пахта йиғимтерими жадал давом этепти. Бу мавсум ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари учун ҳам масть улиятли ҳисобланади. Чунки ўта ёнувчан пахта толасини ёнгин балосидан саклаш мүхимдир. Йиғим-терим даврида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилмаслиги, мутасадди раҳбарлар, мастьул ходимларнинг лоқайдлиги өқибатида көлиб чиқсан ёнгин туфайли қимматбахо ҳом ашенинг куйиб кулга айланганни кўп марта қайд этилган. Тахририятилизга ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларидан келаётган хатхабарларнинг аксариятида мавсумга тайёргарлик, жойларда олиб борилаётган текширув ва назорат ишлари акс этирилган.

“Айни кунларда ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари асосий эътиборни пахта қабул пунктлари ва тозалаш корхоналарида ёнгин хавфсизлигини таъминлашга қаратгандар, – деб ёзди Самарқанд вилояти ИИБ ЁХБ му-

ҳандиси, ички хизмат капитани Р. Шокирова. – Мавсум бошланиши арафасида жойларда ўтказилган текширувларда қатор камчиликлар аниқланаби, уларни бартарап этиш юзасидан кўрсатмалар берилди, кўпол қоидабузарликка йўл кўйган мутасадди раҳбарлар маъмурий жавобгарликка тортилди. Бироқ, айрим пахта қабул пунктлари ва тозалаш корхоналарида камчиликлар ҳанузгача бартараф этилмаган. Турли сабабларни рўяқ билан хавфсизликни таъминлаб бўлмайди. Электр ўтказгичлар яроқсиз ҳолга келган, сув ҳавзалари таъмиранмаган, мотопомпалар бузук, электр кувватда ишладиган агрегатлар ёнгиндан муҳофаза қилинмаган, бирламчи ўт ўчириш воситалари билан таъминланмаган”.

“Далалардан пахта ташиётган трактор тиркамаларида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилмаслиги ҳосининг ёниб кетишига сабаб бўлади. Бироқ айрим ҳўжаликлар раҳбарлари, туман-

лардаги трактор-механизмларга мутасадди бўлган масъул ходимлар бунга панжа орасидан қараётганларини қандай баҳолаш мумкин? Тошкент вилояти ИИБ ЁХБ ходимлари томонидан ўтказилган текширувда юздан ортиқ трактор ва тиркамаларда оддий ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилинмаётгандиги аниқланган. Шунингдек, Жиззах, Сирдарё, Самарқанд, Андикон ва бошқа вилоятларнинг ҳўжаликларида ҳосил ташиётган кўплаб техникаларда ҳам бундай ҳолатни кўриш мумкин” деб ёзди ИИБ ЁХБ мастьул ходими А. Худойкулов.

Яна шу Буш бошқармадан ички хизмат катта лейтенантни. Д. Қамбаров ўз мактубида йиғимтерим арафасида жойларда ўтказилган текширувлар жараённида аниқланган камчиликларга барҳам бериш ҳамма жойда бирдек эмаслигини маълум қилган. Масалан, Андикон вилоятида 1430 га қоидабузарликдан ҳозиргача мингга яқини бартараф этилган.

Бухоро вилоятида юзга яқин электр мослама, агрегат ва ўтказгичлардан фойдаланиш тақиқланганди. Ханузгача уларнинг ярми созланмай, ишга яроқсиз ҳолда турибди.

Шунингдек, Жиззах вилояти ИИБ ЁХБ катта мұхандиси, ички хизмат капитани У. Абдуқодиров ҳам вилоят ИИБ ёнгин хавфсизлиги ходимлари амалга ошираётган ишлар юзасидан хабар йўллаган.

“Куз фаслининг илиқ-иссиқ дамлари ортда қояпти. Ҳадемай изгирилни кунлар бошланади. Қиши фаслига тайёргарлик кўриш, ўтин-кўмир фамлаш, иситиш тармоқларини созлашдан бошланади. Иситиш тармоқларининг сои ишлари, бехавотир бўлиши учун биринчи галда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш лозим. Шу боис ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари жойларда текширувлар ўтказиб, корхона ташкилот, муассаса, хонадонларда қишига тайёргарлик ишлари билан танишмоқдалар”... Бу сатр-

лар Тошкент шаҳар ИИБ мұхандиси М. Раҳимова йўллаган мактубдан олинган.

Текширувлар жараённида айрим жойларда қиши мавсумга пухта тайёргарлик кўрилгани қайд этиляпти. Бу тадбир айниқса хусусийлаштирилган ишлаб чиқариш жабҳалари, савдо шоҳобчалари, шунингдек, кўплаб мактаблар, болалар боғчаларида ниҳоясига етказилган. Аммо хусусий уйларда тайёргарлик ишлари кўнгилдаги дик эмаслиги ташвишилди. Чунки, ёнгинарнинг асосий қисми турар жойларда рўй бераетгани эмас.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ИИБ ЁХБ инспектори Д. Сайдуллаев, А. Икромов тумани ИИБ ЁХБ ходими Ф. Азимов, Мирзо Улуғбек тумани ИИБ ЁХБ ходими А. Сапаровлар ҳам пойтахтимиздаги маҳаллаларда содир бўлган ёнгинарнинг ҳақида хат-хабарлар йўллашган.

Хатлар бўлими.

«Жасорат» медали соҳиблари

ХИЗМАТИ ДҮНДИРАЁТГАН ЙИГИТ

Қаҳрамон йигитлик бурчани

иҳолос қўйган эди. Шу боисдан бўлса керак, хизматдан сўнг 54-алоҳида ўқув полки ўқув ротасида катта техник бўлиб ишлай бошлади. Орадан беш йил ўтгач уни “Тошкент” бирлашган қўмондонлиги бошқармасига катта техник қилиб тайинлашди.

Қаҳрамон тиришқоқлиги, топширилган вазифаларни сидқидилдан бажариши, техника сирларини мукаммал эгаллаб бориши билан ҳамкаслари орасида ажralиб турарди. Бу фазилатлар инобатга олиниб, унга алоҳида парашют-десантлари батальони йўриқчи, гуруҳ командири вазифаси топширилди. 2001 йилдан эса республика ИИБ Ички қўшинлар Буш бошқармаси ҳарбий қисми гурухи, разведка отряди, кейинчалик взвод командири бўлиб фаолият кўрсатмоқда.

– Бизнинг соҳада хизмат килаётган киши раҳбарларнинг бўйрукларини сўзсиз бажариши, мевёрий ҳужжатларни батафсил ўрганиб ўз фаолиятида кўллай олиши мүхимдир, – дейди Қаҳрамон Эрматов. – Яна бир ўзиға хос томони, ҳар қандай шароитда аниқ ва тезкор ҳаракат қилиб, муаммоларни тўғри еча олиши талаб этилади.

Бугунги кунда ўттис ёшни қаршилаётган, билаги айни кучга тўлган бу йигит ўзи тилга олган жиҳатларга қатъий амал қиласди. Шу билан бирга кўл остидаги ходимлар ҳарбий интизомга риоя этишлари, экстремал ҳолатларга тайёргарликларни доимий назорат қилиб боради. Ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлиги, ижтимоий-сиёсий билимларни ошириб бориш ҳам дикқат марказида. Ички қўшинларда парашютдан сакраш машқларини ташкил қилишда алоҳида жонбозлик кўрсатиб, шахсий таркиб ҳар қандай шароитда фаол ҳаракат қилишига эришашти.



Ш. САДИЕВ.

Бизнинг сұхбат

«ИЗҚУВАРИККА МЕҲРИМ ТУШГАН»

Бухоро вилояти ИИБ ЖК ва ТККБ катта тезкор вакили Азизбек Рахабов билан сұхбатимиз унинг бу соҳага қандай кириб келганини билишдан бошланди.

– 1998 йилда республика ИИБ Академиясини тутатгач терговчи лавозимида иш бошладим, – деди у. – Лекин менга ўзим жиноятчининг шахсини аниқлаб, кетидан тушиб, кўлга олиш истаги тинчлик бермасди. Ниятим холис экан, бу 2000 йилда амалга ошиди.

– Кўпроқ, кайси турдаги жиноятларни очишинизга тўғри келган?

– Хизмат лавозимим турли-туман жиноятларни фош этиши билан шугулланышими тақозо этади. Аммо мени кўпроқ ташвишлантидрагани гиёхшурушилди. Бу жиноят кўчасига кирганлар уят-андишани йўқотиб қўйишиди. Қотил бир-икки кишининг умрига зомин бўлса, гиёхшурушлар ўнлаб, ҳатто юзлаб тақдирларни аброр килишади. Жорий йилнинг январь ойидаги Когон тумани Сиёзипоён қишлоғилик А. Рустамини 700 грамм марихуана сотаётганда кўлга олдик. Спиртли ичимликларни меъери-

дан ортиқ истеъмол қилиш ҳам не-не жиноятларга бошламайди, дейсиз. Тупла-тузук одам мастилида ўз инсоний қиёфасини йўқотиб қўйиши мумкин. Бўлмаса Бухоро шаҳрилик Р. Боки таниши аёли билан дискотекада ичкилик ичиб ма-



бўлгач, ташқарида бирорни уриб, “Нексия” машинасини олиб қочармиди? Бу ҳам етмагандек, машинани катта тезлиқда хайдаб, “Дамас” автомашинаси билан тўқнашув содир этади. Шеригим, милиция капитани Шуҳрат Орзиеев билан бирга уни қидириб топдик. Қилғиликни қилиб, яна қишига уринганига, ўзи-

ни бир бегуноҳ кишининг исми билан атаганига нима дейсиз?

– “Уста кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўргалар” дейишиди...

– Ҳақ гап. Ҳар бир соҳада ҳам устоз-шогирдлик бўлади. Авваламбор, отам вилоят ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлими бошлиғи, милиция полковники Жўра Рахабовни ўзимга устоз деб биламан. Қолаверса, милиция капитани Шуҳрат Орзиеев, истеъодаги милиция майори Бобоёр Йўлдошевдан ҳам кўп нарса ўргандим.

– Гарчи тезкор ходимларнинг бўш вақти кам бўлса ҳам, шундай имконият тутғилганда нима билан машгул бўласиз?

– Дўстларим билан балиқ овига боришни ётираман. Вақтим бўлганда фарзандларимни ёнимга олиб Бухоро шарифнинг қадимий обидаларини томоша қиласман.

Сұхбатдош А. ФИЁСОВ.
Суратда: милиция капитанлари, Бухоро вилояти ИИБ ЭКБ бўлинмаси бошлиғи Гани Қодиров (чапда) ҳамда ЖК ва ТККБ катта тезкор вакили Азизбек Рахабов иш устиди.

ТЕМИР ЙЎЛДАГИ БОЛАЛАР

Бугунги кунда мамлакатимизнинг бир гўшасидан иккисига боришни ихтиёр қилган фуқароларга темир йўл жуда қўл келмоқда. Негаки, поездлар қулай ва хавфсиз эканлиги билан ажralиб туради. Аммо таъкидлаш жоизки, уларни ҳукуқбузарлар четлаб ўтишмоқда, дея олмаймиз.

– Матъумки, жиноятнинг катта-кичиғиги бўлмайди, – деди Транспорт ИИБ Тошкент шохбекати ИИБ вояга етмагандек, машинани катта тезлиқда хайдаб, “Дамас” автомашинаси билан тўқнашув содир этади. Шеригим, милиция капитани Шуҳрат Орзиеев билан бирга уни қидириб топдик. Қилғиликни қилиб, яна қишига уринганига, ўзи-

хукуқбузарлик аниқланди. Уларнинг аксариятини поездлар ойнасини синдириши ҳолати ташкил этади. Қайд этилган хукуқбузарларликлар бўйича 38 нафар вояга етмагандар ушланди. Уларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

Масалан, Тошкент – Ангрен йўналишининг Сирғали бекати оравлигига ҳаракатланиб кетаётган поездга болалар тошни отиб, ойнани синдиришиди. Милиция капитани К. Раҳмонов ва милиция старшинаси Ф. Ҳайдаровларнинг саъӣ-ҳаракати билан хукуқбузарлар ушланди.

А. ФАЙЗИЕВ,
амалиётчи.

Фаҳрийлар-фаҳримиз

МЕҲНАТНИНГ ТАГИ РОҲАТ

Қонликўл қўргони фуқаролар йигини раиси, ички ишлар идоралари фаҳрийси, Қорақалпогистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист Қодирберген Қиличевнинг фаолияти билан танишиш учун унинг хонадонида бўлдик.

— Кўргонимизда ўн икки мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, — дейди Қодирберген ака. — 800 фуқарога доимий, 70 нафарига эса йилнинг ҳар чорагида ёрдам пули берилалоати. Одамлар ахил, тинч-тотув ҳаёт кечиришляпти. Шундай бўлса-да, баъзан арзимас сабаблар билан ҳатто яқин қариндошлар орасида жанжал чиқиб қолади. Кўчабегилар билан бориб, бунинг сабабини аниқлаймиз ва низолашганларни яраштирамиз.

Йил бошидан бўён саккиз нафар ёш келин-куёвлар идорага "ажрасшамиз" деб келишиди. Сабабини суриштиридик. Оиласидаги етишмовчилик, эрларининг ишлашга бўйни ёр бермаслиги боис келинларнинг улардан кўнгли қолгани маълум бўлди. Эркакларни инсофга чақириб, яраштири-

дик. Бекорчилар ишга жойлаштирилди.

Қонликўл тумани ИИБдан профилактик ишларни кучайтириш ҳақида кўрсатмалар келиб туради. Улар бўйича жойларга чиқиб, оқсоқоллар билан сұхбатлар ўтказамиш.

Бизда бир нечта нотинч оила бор. Профилактика инспектори, милиция капитани К. Есинбаев, кўчабеги ва посонлар билан тез-тез ана шу хонадонларга бориб, хабар олиб келамиш.

Болалар спортига катта эътибор берилалоати. Ҳашаматли ўйингоҳ қурилмоқда. Теннис, волейбол, футбол, шахмат-шашка, кураш каби тўғаракларни ишга туширганимиз. Спорт анжомларимиз бор. Ҳозирча кўргонимиздаги спорт тўғаракларига бешта мактаб, битта лицей ўкувчилари навбат билан қатна-

шадилар. Кўриниб турибдики, ўсмир-ёшларимизнинг вақтлари ҳамиша фойдали ишлар билан банд. Шунинг учун улар орасида ҳукуқбузарлар йўқ.


К. Қиличев хизмат фаолиятидаги ютуқлар ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилди. Лекин оиласи, фарзандлари хусусида гапирмади. Сабаби, хонадонида ишонган, сунянган рафиқаси Алтингул бор. У бор каш, оиласида ҳамиша сарышталик, осойишталик, тартиб ҳуқмрон.

— 1970 йилда турмуш қурганмиз, — дейди Алтингул Абдимурадова кулими сираб. — Ўшанда хўжайним ҳайдовчи бўлиб ишлади. Кейин автомобиль йўллари техникумага ўқишга кирди. Ўқишни битириб, туман ички ишлар бўлимининг давлат автомобиль назорати бўлинмасида фаолият кўрсата бошлади.

Йиллар ўтиб, Қодирберген олий ўқув юртини битирди. Хизмат пиллапояларидан кўтарилиб борган сари бирин-кетин туғилган фарзандлари ҳам вояга етаверди.

Мехнатнинг таги роҳат деганларидек, мана, фарзандларимизнинг баҳти-камолини кўрадиган кунлар ҳам келди.

**Шаҳзода ҲУДОЙБЕРИДИВА
Суратда: қўргон фуқаролар йигини раиси, истеъфодаги милиция подполковниги К. Қиличев фаоллар билан.**



Маърифат дарси

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ

Турк ҳамда туркӣ атамалар ўтмиш ва ҳозирда қандай тушунчаларни англатилиши кўпчиликни қизиқтиради. Курраи заминада туркӣ тилли ҳалқлар, шунингдек турк ҳалқи бор. Ўтган асрнинг бошларидаги туркӣ ҳалқларнинг вакили бўлган Кичик Осиё ярим оролида яшайдиган онадулиларга расман турк атамаси берилди ва мамлакат Туркия деб ўзлон қилинди. Туркӣ ҳалқлар деганда эса қадим замонлардан бошлаб Турон ва Туркестонда яшаб келган ҳалқлар, хусусан ўзбеклар назарда тутиладиган бўлди.

Турк отадан тарқадиган барча ҳалқ, элат, қўмлар, шу жумладан турклар ҳам туркӣ ҳалқлар дейилади. Матъумки, туронзамида яшаб ўтган аксар мумтоз шоирлар туркӣда ижод этишган. Моварауннахрда мавжуд бўлган деярли барча давлатларда туркӣ тил давлат тили сифатидаги қабул қилинган. Туркӣ тилнинг ҳозирги номи ўзбек тилидир. Шу ўринда эжоддларимиз туркӣлар деб аталган бўлса, ўзбек номи кейин пайдо

йўнинг ўрта ва кўйи оқимларигача бўлган ҳудудларда шаклланган. Этник таркиби келадиган бўлсак, ўзбек ҳалқининг шаклланишида юзга яқин қабила, уруғ ва эзлатларнинг ўрни катта бўлган.

Шўролар даврида миллатларнинг тарихи, келиб чиқиши ҳақида ҳақиқати бузуб кўрсатилган. Масалан, ўзбекларни кўчманчи, саҳрои, маданий жиҳатдан қолоқ ҳалқ бўлган, деган фикрлар уқдирилган. Бирок, ўтмиша ўзбеклар яшаган шаҳар ва қишлоқлар туллаб-яшнаган, дәхқончилик, хунармандчилик, архитектура ва қурилиш анча ривож топтаги тарихий манбаларда қайд этилган. Чингизхон босқинчилари вайрон қилган Моварауннахр ҳудудида темурйлар ва шайбонийлар даврида қайта тикланиб, жаҳонга кўз-кўз қиласа арзигулилар шаҳарлар бунёд этили.

XV аср охири ва XVI аср бошларига келиб ўзбек ҳалқининг иккى этник қатлами бир-бирига кўшилди. Яъни, шимолий ҳудудда шаклланган этник ҳамда Буюк Туроннинг Моварауннахр Хуросон ўлкаларида азалдан яшаб келаётган яхлит этник қатламлар бирлашиди. Ҳар иккала қатламдаги ўзбеклардиндош, мазҳабдош ва тилдош бўлиб, адабий тили, ёзуви битта эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллиги олдиdan

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 6 бўлим, 26 боб ва 128 моддалан иборат. У ўз ички тузилиши билан Асосий Конун жаҳон конституциявий амалиётига тўла мос келди. Унинг муқаддимаси киска ва кўтаринки руҳда ёзилган, моҳияти эса Конституцияда ҳалқ, ўз иродасини ифода этганинига мөнавва.

Конституциянинг асосий мантиқий йўналиши инсон-жамият-давлат тарзи.

Биринчи бўлимда қонликўл туманинига давлатининг асосий конституциявий принциплари кўрсатилган. Бундай принциплар қаторига давлат суверенитети, ҳалқ ҳокимиятчилиги, Конституция ва ҳам киради. Бу суверен давлатининг конституциявий мақомига ва Ўзбекистон билан муносабатларига маҳсус 17-боб бағишиланган.

Авваламбор Конституция даражасида белгиланмоғ даркор. Учинчидан, давлат таркибига кирмаган жамиятнинг иқтисодий негизлари, жамоат бирлашмалари, оила, оммавий ахборот воситалари ўзининг конституциявий мақомини топган.

Конституциянинг тўртнинчий бўлими маъмурий-худудий ва давлат тузилишига бағишиланган.

Ўзбекистон вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалардан иборат маъмурий-худудий тузилишига эга. Республика таркибига Қорақалпогистон Республикаси ҳам киради. Бу суверен давлатининг конституциявий мақомига ва Ўзбекистон билан муносабатларига маҳсус 17-боб бағишиланган.

КОНСТИТУЦИЯНИНГ ТУЗИЛИШИ

Бешинчи бўлим давлат ҳокимияти идораларини ташкил этиш ҳақида бўлиб, унда ҳокимият ваколатларини тақсимлаш принципи ўзининг амалдаги ифодасини топган, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти идораларининг конституциявий мақоми муайян тартибда мустаҳкамланган. Давлатимизнинг марказий идоралари: Олий Маҳлис, Президент, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий, Олий ва Хўжалик судлари, Прокуратура, маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг конституциявий мақоми белгилаб берилган. Сайлов тизимининг принциплари, молия ва кредит, хавфсизлик ва мудофаа масалалари ҳам конституциявий тартибга солиш доирасига кирган.

Олтинчи бўлим Конституцияни ўзгартириш муаммосига бағишиланган бўлиб, ҳуқуқий нутқи назардан Асосий Конунинг барқарорлигини таъминлашган каратилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тузилиши фуқаролар тинчлигига, яъни миллий ва ижтимоий тотувликка, шахс ҳамда сайлов эрканиларига, сиёсий барқарорликка, фарононлик ва иқтисодий ўсишга, давлатнинг одамлар олдиниага ўз бурчини бажаришига эришишга қаратилган.

**Ф. АБДУМАЖИДОВ,
юридик фанлари доктори, профессор.**

Маънавий – сиёсий тайёргарлик машгулотлари гуруҳлари раҳбарларига ёрдам

МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРГА ФАМХЎРЛИК

Юртбошимиз ва ҳукуматимиз раҳбарияти ҳарбий хизматчиларга мунтазам фамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Буни уларга кейинги йилларда яратиб бериладиган имтиёзлардан ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Гурух раҳбари шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 октябрда қабул қилинган "Муддатли хизматчиларга ҳарбий хизматчиларга ва уларнинг оила аъзоларига кўшимча имтиёзлар тўғрисида" ги Қарорига тўхталиши керак.

Бундан ташкири республика Вазирлар Маҳкамаси 2003 йил 22 майдага "Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматчиларга тақдим этилади. Ҳарбий қисмлар кўмандонлиги тавсияномалари улар берилган кундан бошлаб уч йил мобайнида ҳақиқий ҳисобланади.

Бу ўз навбатида муддатли ҳарбий хизматчиларга тақдим этилади. Ҳарбий қисмлар кўмандонлиги тавсияномалари улар берилган кундан бошлаб уч йил мобайнида ҳақиқий ҳисобланади.

Чорлайди. Акс ҳолда у олий таълим муассасасига киришда имтиёз берадиган тавсиянома олиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Жорий йилнинг 1 октябрiddan армия сафларига кузги чакирав бошланди. Ватан олдидаиги йигитлик бурчини шараф билан уддалаган аскарлар ота-оналари бағрига қайтмоқда, уларнинг ўрнини ҳарбий илмларни пухта эгаллашга аҳд қилган, аскарликка танлаш синовидан мевафикациятили ўтган забараста ўғлонлар эгалламоқда. Йигитлар ўз мажбуриятлари билан бирга, давлат томонидан бериладиган имтиёзларни ҳам хизматнинг биринчи кунларидан олиб кўйишса нур устига нур бўлади. Бу ишни амалга ошириш борасида қисм командирлари ва уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари асосий роль ўйнайди.

Республика ИИВ Ички қўшинилар Бош бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш бўлими

УЧНИНСИ + TV ОЛАМ


«Постга»
gazetasining ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR,
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

Хозирда гипноз ёрдамида таъсир қилиш мумкинлиги ҳақида гапириб бирорни ҳайрон қолдириш қийин. Аксар одамлар ҳеч бўлмаса бир марта экстрасенсларнинг сеансида бўлишган, эҳтимол ўзлари ҳам гипнозчининг таъсирига тушишгандир. Аммо ўтган аср бошларида Хиндишоннинг Утти шахрида юз берган воқеа муштариilorни бефарқ қолдирмаса керак.

туб жой аҳолиси билан учрашишни тақиқлаган эди. Шунинг учун келишилган куни яширинча ўрмонга йўл олди. Овга берилиб кетиб курумблар турли баҳоналар билан қўлини ушлашаётганига ҳам, елкасини силаб-силаб қўйишаётганига ҳам эътибор бермади. Овдан сўнг унинг кушлари орасида бир жуфт қалдирғоч пайдо бўлди. Аммо Томнинг ўзида ғалати ўзгаришлар юз берди. У одамови, бўшанг бўлиб қолди, тенгдошлари би-

Симпсон хоним ўғривачча молхона олдига нимадир кўмаётганини пайқади. Жияним ойпарастлик (лунатизм) касаллигидан азият чекаркан, деган ўйда аёл уни уйготиб юбормаслик учун индамади. Бола ишини тугаллаб, ўрнига кириб ётди, Симпсон хоним бориб қараса, Томнинг кўзлари очик эди. Эртасига эрталаб



Сир борлигини англади. Унга бола алдамаётгандай туюлди.

— Том, айтгин-чи, сенга қаҷон жавондан дон олишга рухсат бергандим? — эркалаб сўради аёл.

— Қалдирғоч тутиб келтирган куним. Фақат энди дон кам қолди. Кушларим очдан ўлиши мумкин.

— Хўш, донни кимга бердинг? Кечаси қушларни боқишидай-ку.

— Унга... У эшик ортида турганди.

— Яхши. Мана буни ҳам унга бер, — ақлли аёл жиянига тилла тўғнағични узатди.

— У илгари донни молхона олдига кўмишни буоради. Энди ўрмонга келтиргин, деди. Фақат орқамдан пойламанглар. Бўлмаса келмайди.

Симпсон хоним болани билан пича вақт ушлаб туриб, унгача изқуварни чақирирди. Унга боланинг кетидан зимдан пойлашни буорди.

Ярим соатлар боланинг орқасидан билдиримай эргашиб юрган изқувар ниҳоят буталар орасидан бадбашара пакана одам чиққанини кўрди. Бола тилла тўғнағични унга бериб, ўзи изига қайтди.

Изқувар шу заҳоти курумбга ташланиб, уни кўлга олди. Аммо пакана одамга қарши кўлидаги тилла тўғнағичдан бошқа далил йўқ эди. Бола курумбни танимаслигини айтди. Суд Симпсон хонимнинг ҳам чалкаш кўргазмаларини хисобга олмади. Изқувар эса курумбни кўлга олган куни маҳаси қочиб, суд жараёни бошланишидан уч кун олдин вафот этди...

Хориж матбуоти
материаллари асосида
тайёрланди.

КУРУМБЛАР

Шаҳарча четидаги ўйда ўзига тўқ Симпсон хоним яшарди. У икки ўғлидан ташқари етим қолган жияни Томни ҳам ўз тарбиясига олганди.

Том қушларни жуда севарди. Шунинг учун холаси молхонанинг ярмини унга кушлари учун ажратиб берганди. Бу ерда тўтидан тортиб колибригача турли-туман паррандалар яшашарди. Фақат қалдирғоч йўқ эди, холос. Сабаби, бола ҳар қанча уринса ҳам ҳали бу эҳтиёткор жониворни тутолмаганди.

Бир куни Том қалдирғоч излаб ўрмоннинг анча ичкарисига кирганини пайқамай қолди. Хиндишонда шом пайти бир зумда қоронги тушади. Ёш қуш овчиси атрофини тун қоплаганидан қўрқиб кетиб уйи томон югуриб кетаётганида йўлини ёввойи мушук тўсди. Ўтакаси ёрилган бола ўрмонни бошига кўтариб бақириди. Шу пайт мушукнинг бикинига иккита камон ўқи санчилди ва буталар орасидан икки пакана курумб чиқиб келди. Бу қабила маҳаллий ўрмонзорларда истиқомат қиласи. Курумблар бутунлай ёввойилашиб кетмаган. Уларни бозорларда учратиш мумкин. Бу қабила вакиллари бир оз егулик ёки чойчақа эвазига тур-



ГИПНОЗЧИ ОВЧИЛАР

ли юмушларни бажаришади. Шунинг учун ҳам бола улардан кўркмади, аксинча одоб билан миннатдорчилик билдириди. У курумблар тилини яхши биларди. Бола ўз халоскорларига "Мени уйимга кузатиб қўйсангизлар холам гуруч, ароқ берадилар", — деди. Йўлда ҳамроҳларига ўзининг ҳали амалга ошмаган орзузи ҳақида гапириб қолди. Курумблар арзимаган пул эвазига қалдирғоч тутиб беришга ваъда қилдилар. Ҳатто боланинг ўзини ҳам овга таклиф қилишиди.

Том қувониб кетиб, дарҳол рози бўлди. Аммо холаси уни


лан ўйнамай қўйди. Ўзини тутишидан худди бир неча ўн ёшга қариганга ўхшаб кўринарди. Уйдагилари ҳам унинг гўё уйқусирагандай юрганини пайкашди.

Тез орада уйдаги кумуш буюмлар, кейинроқ тилла тақинчоклар ҳам йўқола бошлади. Кизиги, бу нарсалар йўқолмасдан илгари кулфлоғлиқ жавонда турар, унинг калити эса уй бекасида бўларди.

Бир куни кечкурун Симпсон хоним заргарлик дўйонидан сотиб олган тилла узугини жавонга яшириб, калитни ёстиғи остига қўйди. У кечаси билан ухламай пойлаб чиқишига қарор қилди. Ярим кечаси соат иккиларда ётоғи эшиги очилиб, жияни кирганини кўрди. У "Сенга нима керак?" деб сўрашига бир баҳа қолди, аммо нафасини ичига ютди.

Том холасининг тепасига келиб, тезлик билан ёстиғи остидан калитни олди. Жавонни очиб, тимирскиланиб узукни топди. Сўнг жавонни кулфлаб, калитни яна жойига қўйди-да, шошиб хонадан чиқди.

Симпсон хоним тезда кийиниб, Томнинг ётоғига мўралади — хона бўй-бўш эди. Аёл ҳовлига чиқди. Ойдин кечада



Симпсон хоним тунда бўлиб ўтган воқеалар ҳақида ўғилларига гапириб берди. Ҳаммалари молхона олдига бориб, узук кўмилган жойни қазиб кўришиди. У ерда ҳеч вақо йўқ эди. Улар, демак, ўғриваччанинг шериклари бор, деган тўхтамаганди.

Жияни мактабдан қайтгач, аёл ундан:

— Том, менинг узугим қани? — деб сўради.

— Қанақа узук? — ҳайрон бўлиб елкасини қисди бола.

— Мен узукларингизни кўрганим йўқ.

— Кечаси жавондан нима олдинг? — холаси тутақиб унга тарсаки тортиб юборди.

— У қанақасига узук бўлсинг?

— боланинг ҳам жаҳли чиқди.

— Мен бир ҳовч дон олдим, холос. Уни қушларим учун олгандим. Ҳали шунга тутақаяпсизми?

— Илгари олган кумуш ва тилла буюмларинг-чи? Улар ҳам сенингча донмиди?

— Мен дондан бўлак ҳеч нарса олганим йўқ.

— Хўш, ўша донларни қаердан олардинг?

— Жавонингиздан. Бунга ўзингиз рухсат бергандинг-ку!

Симпсон хоним бу ерда бир

Ишониш қийин, аммо ҳақиқат!

ПОРТЛАШГА ТҮРТ СОНЯ ҚОЛГАНДА...

1983 йил 26 сентябрда Бой-күнгир космодромида космик кема ҳалокатга учраган эди.

— Сартта иккى кун қолганда күнглим нохуш бўла бошлади, — деда хотирлайди фазогир Геннадий Стрекалов. — Учишдан олти соат олдин анъана бўйича онамга кўнгироқ қилдим. Доимо “Парвозинг бехатар бўлсин”, — деда тилак билдирадиган онам бу гал “Ўғлим, учмай қўя қол”, — деб ялинишга тушдилар.



В. Титов (чапдан) ва Г. Стрекалов.



А. Шумилин.

Қанақасига бош тортишади. Ракета тайёр турибди. Режа тасдиқланган бўлса. Белгиланганидек, сартдан иккى соат олдин космонавтлар Титов ва Стрекалов “Союз Т-10” бортидан жой олиши.

Муҳандислар бутун космик кема мажмуаси парвозга тайёрлиги ҳақида рапорт берицгач, сартта рухсат этилди.


кетганди. Даҳшатли аланса юқорига интиларди.

Команда пунктида космодром бошлиғи Алексей Шумилин ва “Прогресс” конструкторлик бюросининг бош муҳандиси Александр Солдатенков асабийлашиб, бир-бирларига қараашарди. Агар шу иккى масъул шахс бирга команда беришсагина, авария-кутқарув тизими ишларди.

Ушандан бўён В. Титов ва Г. Стрекалов А. Шумилин билан А. Солдатенковни ўзларининг иккинчи оталари деб ҳурмат қилишади. 26 сентябрни эса қайта туғилган кунлари сифатида нишонлайдилар.

Космодром бошлиғига ... “Ёнгинда кўрсатган жасорати учун” медали беришди.

Хориж матбуоти материаллари ососида тайёрланди.



Ракетанинг портлаши.

— Биз ракета кучли силкинаётганини ҳис қилдик, — деда хотирлайди Владимир Титов. — Уч-тўрт лаҳзадан кейин тинчили. Шамол бўлса керак, деб ўйладим.

Аслида шу пайтда ракетанинг биринчи босқичидаги бакларнинг қувур-насоси босимга дош беролмай ёрилган эди.

Яна уч сониядан кейин кучлироқ титраш бошланди. Бу пайтда космик кемадан 30 метр пастда ёқилғи баклари ёрилиб

ОЛТОЙДАГИ АНТИҚА ТОПИЛМА

Альпинистлар қор одамни излашни режалаштиришмаганди. Улар Тоғли Олтойнинг Шимолий Чуй чўққисини забт этишмоқчи эди. Бу гал ниятларига етишолмади. Аммо изларига гаройиб топилма билан қайтиши.

Гуруҳ бошлиғи Сергей Семёнов төғдан тушаётib устини юнг қоплаган оёқни кўриб қолди.

— Бошқалар қарши бўлишса ҳам оёқ қолдигини Барнаулга олиб қайтдим, — деди у. — Ўзим биолог бўлганим учун топилма қадимийлигини дарҳол англадим.

Олтой Аграр университетида рентген қилинганида оёқ тикка туриб юрувчи маҳлуққа қараашлилиги аниқланди. У эҳтимол маймун, айиқ ёки қор одам бўлиши мумкин.

— Мен қор одам мавжудлигига унча ишонмайман, — деди С. Семёнов. — Улар уч минг метр баландликда нима билан озиқланишади? Бу ерларда қиши тугул, ёзда ҳам қор ёғади! Аммо далил далиллигича қолади. Одамнинг оёғи бунақа юнг билан қопланмаган. Тузилишига қўра топилма айиқ оёғига ўхшамайди. Маймун зоти Олтойда азалдан бўлмаган. Кимнинг ёки нима-нинг оёғи бўлиши мумкин? Эҳтимол, одамзоднинг ибтидой аждодларига тегишилдири...

Хозир Сергей Семёнов топилмани янам батафсилроқ экспертизадан ўтказмоқчи.

Олтой тоғларида 80-йиллардан бошлаб қор одамни излаб экспедициялар уюштирилган. Аммо уларнинг барчаси натижасиз тугаган. Шунга қарамай кўпгина маҳаллий аҳоли вакиллари қор одамга дуч келишганини тасдиқлашади.

Бундан етти йил бурун қор одам чўпон ўтовига кириб, ёш болани ўйирлашга урингани ҳақида шов-шув тарқаган эди. Каталар келиб қолганида у тоққа қочиб кетган.

Ҳамма гувоҳлар маҳлуқни бир хил тасвирлашади: унинг бўйи иккى метрлардан зиёд, танасини қалин сарғиши юнг қоплаган, ўзи мушакдор, товони катта бўлган.



ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Республика ИИВ ППХ ва ЖТСББ бўлим бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги **Файзулла ПАРМАНОВИ**ни таваллуд куни билан самимий муборакбод этамиз. Ҳамасбимизга узоқ ва мазмунли умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, ишларida катта муввафқиятлар тилайди.

Республика ИИВ ППХ ва ЖТСББ катта инспектори, милиция майори **Даврон ЗИЯМАТОВИ**ни тугилган куни билан чин дилдан қутлаймиз. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий баҳт, хизматларida улкан ютуқлар тилайди.

Бош бошқарма раҳбарияти ва шахсий тарбиби

Республика ИИВ илмий-экспертиза, портлатиши техникаси марказий лабораторияси бошлиғи, милиция подполковниги **Тўйчи ТУРАГАЛОВИ**ни тугилган куни билан самимий муборакбод этамиз. Унга узоқ ва мазмунли умр, сиҳат-саломатлик, ишларida катта ютуқлар тилайди.

Эҳтиром ила ҳамасблари.

Навоий вилояти ИИБ ҲООБ бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги **Илҳом РАҲМАТОВИ**ни тугилган куни билан самимий табриклиймиз. Мехрибон отажонимизнинг ишларida катта ютуқлар тилаб, доимо сог-саломат бўлиб, даврасиз тўлдириб юришларини Яратгандан сўраймиз.

Турмуш ўртоги Ҳабиба, фарзандлари Ҳулкархон ва Чаросон.

Сурхондарё вилояти ИИБ ЙХХБ ходими, милиция подполковниги **Музаффар ҲАСАНОВИ**ни таваллуд топган куни билан самимий қутлаймиз. Азиз отажонимизнинг сог-саломат бўлиб, мартабалари ошиб, доимо оиласиз даврасида бўлиб, фарзандлари камолини кўриб юришларини Аллоҳдан сўраймиз.

Турмуш ўртоги Дилбархон, фарзандлари Шаҳбоз, Шаҳзод, Шаҳноза, Феруза.

Республика ИИВ ППХ ва ЖТСББ алоҳида милиция батальони ходими **Ниниш ЯХЕЕВИ**ни таваллуд топган куни билан самимий қутлаймиз. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, ишларida катта ютуқлар тилайди.

Эҳтиром ила оила аъзолари ва ҳамасблари.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ


Келгуси хафта учун



КОЙ. Ушбу хафтада кўнгилли дам олиш, дўстлар билан дийдорлашиш ва шериклар билан муносабатларни яхшилашибди. Асло бўшашиналикни маслаҳат беради. Зоро, шанба кунга белгиланган режалар ўзгариши, фарзандларингиз учун маълум миқдордан пул сарфлашингиз мумкин. Сафарларга бориш ёки керакли асбоб-ускуналарни сотиб олиш ҳам ҳаљингизни банд қилади.



КИСКИЧБАКА. Ҳафтанинг бошида ёкишингиз юришиб, руҳингиз тетикилашибди. Қарзларнинг маълум кусмидан кутуласиз. Уй юмушлиари бажарип, жиҳозлар ўрнини алмаштирганингиз маъкул. Жума ва шанба кунлар сафарларга бориш ва даромад топиш имконияти мавжуд. Миянгизни янги фоялар чўлғаб олиши мумкин.




ТАРОЗИ. Ҳафта нинг бошида моддий аҳволингиз яхшиланиши ва хонадонга бирор буюм сотиб олишингиз кайфиятингизни кўтариб юборади. Сиз ўзагларга яқиндан ёрдам берасиз. Айрим фояларнинг ўзига хослиги билан ахралиб туради. Жума кундан иш жойингизни ўзгартирингиз мумкин. Яшанба куни белгиланган режалар янада ойдинлашиди.



ТОФ ЭЧКИСИ. Душанба куни янги ҳамкорлар топасиз. Мавкеи юкори бўлган дўстлашибди. Кўллаб-куватлашиди. Ишонангизда муайян ўзгаришлар юз берishi, ҳамасбларнингиз бошқа ишга ўтиши мумкин. Яшанба куни белгиланган режалар янада ойдинлашиди.



СИГИР. Душанба куни мухим хужжатларни имзолайсиз ёки фояларнингизни амалга оширишга кодир бўлган инсонни топасиз. Сешанба ва чоршанба кунлар омад кулиб бокади. Аммо пайшанба куни бажарәтган ишингизда айрим ноаиниқлар ўзага келади. Шу билан бирга талайгина мунфатингизга мос келувчи битимлар имзоланиди.



АРСЛОН. Кўп вақтингиз сафарларда ўтса-да, ушбу етти кулини мувafferакият келтиради. Янги алокалар келгусида яхшигина даромад келтириши боради. Ҳафтанинг ўртасига бориб атрофинингиздаги одамлар билан муносабатларни яхшилашибди. Ҳафтанинг сўнгги кунлари манфатингизга мос келувчи битимлар имзоланиди.




ЧАЁН. Мазкур ҳафта да ўзага келган вазият ишларнингиз юришиб кетишига олиб келади. Тижорат бўйича ютукларга эришишингиз, сафарларларга боришингиз эҳтимолдан холи эмас. Сўнгги кунлар кўп куч-куват сарфлашингизга тўғри келади. Шу боис дам олиш кунларига иккичи даражали юмушлиарни реjalashirirmang.




КОБФА. Мазкур ҳафтада яхши натижаларга эришиш, сафарларга бориб катта таасуротлар олиш имконияти бор. Фояларнингиз осонгина амалга ошиди. Таваккал килишдан асло чўниманг. Саломатлигингизни эҳтиёт килишини маслаҳат беради. Хайрия ишларига ортиқа берилганингиз маъкул. Саховат эканлигингизни чўнтақни қоқламай бошқа йўллар билан ҳам намоён этишингиз мумкин.



ЭЛИЗАКЛАР. Ўзингизни безовта қиласига ташвишларни ушбу хафтада енгишга мувafferакият яхшилашибди. Саломатлигингиз кўтарилашибди. Душанба куни ишхонадаги вазият барқарорлашибди. Пайшанба кундан бошлаб фаолиятингизни ўзгаришишингиз мумкин. Хизмат сафарларига боришингиз ҳам эҳтимолдан холи эмас. Якшанба куни келгусида куттилаётган сарф-харажатларни белгилаб олишни маслаҳат беради.



БОШОК. Ажойиб инсонлар кўмагида моддий аҳволингизни яхшилашибди. Жиҳозлар сотиб олишни эришиши. Сешанба ва чоршанба кунлар сафарларга бориши ва учрашувлар учун куладир. Ҳафтанинг охирида атрофинингиздаги одамлар билан муносабатларда кўп нарсалар ўзгариши хеч гап эмас.



ЕЙ. Ушбу хафтада деярли ўзгаришлар рўй бермайди. Аммо ҳозирча эришилган ютукларнинг қадрига маслаҳат беради. Ҳафтанинг иккичи ярмида бошқа жойга кўчишингиз ёки иш жадвалига ўзгаришилар киритиши эҳтимоли бор. Бу эса шахсий юмушлиарнингизни бажарив олиш имконини беради. Истиқболга эришиш йўллари ни аниқ белгилаб оласиз.

ДУШАНБА,

27

Телетомошабинлар
диктатига!"Узбекистон" телекана-
ли 27 Октябрь куни ўз
кўрсатувларни соат15.00 дан.
бошлайди.

ЎзТВ - I

- 15.00 "Тахлинома".
15.45 "Кўрсатувдан-кўрса-
тубвагча".
16.05 Эстрада тароналари.
16.20 "Агар Сиз". Ток-шоу.
16.45 "Оламга саёҳат".
17.05 Рамазон тухфаси.
"Иккى олам сарвари".
17.25 "Нафосас гулшани".
17.45 "Дип-интервью".
18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
18.10 "Ўзбектелефильм" студияси намойиш этади:
"Заркентлик қаҳрамон".
18.30 "Таянч нуктаси".
18.45 Марказий Осиё ўйин-
лари якунларига доир.
19.05 "Муликдор".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 "Ахборот" (рус тили-
да)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабар-
лари.
20.30 "Ахборот".
21.05 2003 йил - Обод ма-
халла ийли. "Кўпчилик қато-
рида".
21.25 "Ошин". Телесериал.
22.25 "Тасанно".
22.30 "Ўзбектелефильм" студияси намойиш этади:
"Тақдир йўллари". Бадиий
фильм. 2-қисм.
23.40 "Ахборот-дайжест".
24.00-00.05 Ватан тимсол-
лари.

ЎзТВ - II

- 18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 "Янги авлод" почта-
си. Ёқимли иштаҳа.

ЎзТВ - III

- 17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: "Жа-
хонгашта Рицарь".
17.55 "Хориж хабарлари"
(рус)
18.00, 20.50 "Экспресс" телегазетаси.
18.10 "Халқ саломатлиги
йўлида".
18.30, 20.00, 20.35, 22.00
"Пойтаҳт" ахборот дастури.
18.45 "Ёшлар" телеканали-
лаймиз".
19.05 "Хориж хабарлари".
19.10 ТТВда сериал: "Ой
нури агентлиги".
20.20 "Avto-news".
21.00 "Инсон ва қонун".
21.20 ТТВда сериал: "Лўли-
нинг бахти".
22.20 Кинонигоҳ. "Кема
халокати".
1.05-1.10 Хайрли тун, шах-
рим !

30-й канал

- 16.55 гача профилактика
ишлари.
16.55 Дастронинг очилиши.
17.00 "Познавательная пе-
редача".
17.30, 20.45 "Телехамкор",
фойдали газета.
18.00 "Тринадцатый", ости-
росюжетный фильм.
19.30 "Ошикона", мусикий
дастури.
19.45 "Марш Турецкого",
сериал.
21.20 "Спокойной ночи, ма-
лышы!"
21.30 "Мертвая зона",
триллер.
23.15 Спорт на 30-м.

OPT

- 6.00 Телеканал "Добро
е утро".
8.00, 9.00, 12.00, 15.00 Но-
вости.

28

СЕШАНБА,

фильм премьера

- 4.45 Рамазон тухфаси:
"Иккى олам сарвари".
5.05 "Ўзбектелефильм" студияси намойиш этади:
"Имом Бухорий".
муҳаддислар сultonи".
5.50 Мумтоз наволар.
6.00 "Ассалом, Ўзбекис-
тон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 Газеталар шархи.
8.55 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.40 "Рангин дунё".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 "Оловуддининг сехри шамчироги". Бадиий фильм.
11.25 "Муликдор".
11.45 "Шарк тароналари".
12.05 "Кўпчилик қаторида".
12.25 "Саргузашлар оро-
ли", Телешоу.
12.55, 16.00 ТВ анонс.
13.00 "Ошин". Телесериал.
14.10 "Муносабат".
14.40, 16.00 ТВ клип.
14.50 "Бизнес хафта".
15.10 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Насаф" - "Цементчи".
16.05 "Ватанимга хизмат қиласан".
17.05 Рамазон тухфаси: "Кариси бор уйинг пари-
си бор".
"Болалар сайёраси".
17.25 "Тугилган кун". Теленовелла.
18.10 "Тағсилот".
18.25 Бир жуфт кўшик.
18.35 "Ифтиҳор".
18.55 "ТВ Бинго милли-
онер", Телелотеря.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тили-
да)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN "Ўзбекистон ян-
гилларни" (инглиз тилида)
20.30 "Ахборот".
21.05 "Истемолчи".
21.20 "Ошин". Телесериал.
22.20 Марказий Осиё ўйин-
лари якунларига доир.
22.40 "Ўзбектелефильм" студияси намойиш этади:
"Музрафа". Бадиий

ЎзТВ - II

- 6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 "Мунаввар тонг". Ин-
формацион дам олиш дас-
тури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 "Янги авлод" студия-
си: Катта танафус, Бахт-
